

Аллоҳим, Сенга бўйин эгдим

05:05 / 05.01.2018 3898

Ибн Аббос розияллоху анҳумодан яна ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Аллоҳумма лака асламту ва бика аманту ва ʔалайка таваккалту ва илайка анабту ва бика хосамту. Аллоҳумма аʔузу биʔиззатика ла илаҳа илла анта ан тудилланий антал ҳаййуллазий ла тамуту вал жинну вал инсу ямутуна» (яъни: **«Аллоҳим, Сенга бўйин эгдим. Сенга иймон келтирдим. Сенга таваккал қилдим. Сенга қайтдим. Сенинг ёрдамнинг ила хусуматлашдим. Аллоҳим, мени адаштирмоғингдан Иззатинг ила паноҳ тилайман. Сендан бошқа илоҳ йўқ. Сен тирикдирсан, ўлмайсан. Жин ва инслар ўлишади»**), деб айтардилар.

Муттафақун алайҳ. Бу имом Муслимнинг лафзи, имом Бухорий уни қисқа ривоят қилдилар.